

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: меросийлик ва инновация» мавзусидаги Республика илмий конференцияси ташкилий**

**қўмитасининг**

**АХБОРОТ ХАТИ**

Самарқанд Давлат университети томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиш билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”да белгиланган тадбирларни ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 14-15 июн кунлари «Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: меросийлик ва инновация» мавзусида Республика илмий конференциясининг ўтказилишини маълум қилади.

**Конференциянинг мақсади:** Мазкур анжуманнинг илмий йўналиши Ўрта Осиё археологияси тадқиқотлари натижалари билан боғлиқ. Анжуман ўтказилишидан мақсад ва вазифалар Ўрта Осиё сарҳадларида моддий, маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқотларида қўлга киритилган бирламчи манбалар асосида қадимги ва ўрта аср маданиятлари ўзаро алоқадорлигида меросийлик ва инновацияларни ёритиш, бу маълумотларни яхлит тизимга келтириш, илмий муамолага киритиш ҳамда таълим, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга қўллашдан иборат.

Анжуманда қуйидаги шўъбалар бўйича фаолият олиб бориш белгиланган:

- Ўрта Осиё тарихи янги археологик тадқиқотларда.
- Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва қадимги даври маданияти тадқиқотида меросийлик ва инновациялар
- Меросийлик ва инновациялар Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври маданияти тадқиқотида

**МАЪРУЗАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Маъруза матнлари таҳрир қилинган ҳолда ўзбек ва рус тилларида А4 катталиқдаги қоғозга, қаторлари ораси 1 интервал ҳолда, юқоридан ва пастдан 2,5 см, чапдан 3см, ўнгдан 1,5 см жой қолдирилган ҳолда қабул қилинади. Бундан ташқари, маърузаларнинг электрон нусхаси кўрсатилган манзилга жўнатилиши талаб этилади. Файл номи лотин ҳарфларида муаллиф фамилияси билан ёзилиши керак, масалан: A.Umarov.doc.

Маърузанинг номи бош ҳарфлар билан ёзилади ва битта бўш қатор қолдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми-шарифи, доимий иш жойи ёзилади. Матннинг охирида муаллиф билан боғланиш учун зарур бўлган маълумотлар келтирилади. Матн Word (97-2003) муҳарририда Times New Roman шрифтида 14 ўлчамда ва 3-4 бет бўлиши талаб этилади.

Матнда ихтибослар ҳар бир саҳифа остида Times New Roman ва 10 ўлчамдаги шрифт катталигида берилсин.

Конференция материалларини чоп этиш харажатлари учун ҳар бир маъруза учун эллик минг (50000) сўм миқдорида бадал пули тўланади. Тўлов нақд ёки карта орқали пул ўтказиш билан амалга оширилади. **Клик тизими орқали тўлов: 8600 0203 2923 1083; тел: +998915469139**

Конференция мавзусига тўғри келмайдиган ва нашр этиш талабларига жавоб бермайдиган маърузалар дастурга киритилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Маъруза матнида келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгардир.

Конференцияга маърузалар тақдим этиш муддати 2019 йил 25 майгача. Кўрсатилган муддатдан кечикиб тақдим этилган маърузалар кўриб чиқилмайди.

**Манзил: Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй, тел: 8-366-239-18-26, 8-366-239-17-12, 8-366-239-59-13,**

**e-mail: akbar.nazarov89@mail.ru**